

Қўшма лойиҳа Кенгашининг йиғилиши

Жорий йилнинг 15 декабр куни Фавқулодда вазиятлар вазирлигида БМТТД ҳамда ФВВ ҳамкорлигида амалга оширилган «Офатлар хавфини бошқаришдаги Ўзбекистон Республикасининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаси Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Арипов бошчилигидаги вазирлик ходимлари ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Стефан Приснер бошчилигидаги БМТТД вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда дастур доирасида амалга оширилган тадбирлар ҳисоботи, БМТТД ва ФВВ ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.